

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

1 SENTYABR – MUSTAQILLIK KUNI

31

YOSHDA



SENTYABR

№44



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 44-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 39 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Ибрагимов Абдугапур Каримович, Тажибаев Илхом Пулатович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СОЛИҚЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	7
2. Bahodirov Z.O., Safarov G'.A TARAQQIYOTNING HOZIRGI BOSQICHIDA SHAXS IQTISODIY XAVFSIZLIGI MASALASI.....	11
3. Алимов Бахтиёр Муродович РАҚАМЛИ БАНК МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	13
4. Тошпўлатов Бекзод Хасанбой ўғли ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИ АСОСЛАРИ.....	15
5. Мейлиев Жасур Зулфикарович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СОФ ФОИЗЛИ МАРЖАНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪ- МИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	17
9. Бахромов Нодирбек ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	19
10. Одилов Бобуржон Фуркат угли, Шаякубов Даврон Равшанович ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИ- СТАН.....	21
11. Farhodjonova E'zoza Nodir qizi, Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li RAQAMLI IQTISODIYOT JARAYONIDA MOLIYAVIY XIZMATLARNI RIVOJLANTIR- ISH YO'LLARI.....	24
12. Farhodjonova Ezoza, Ortiqov Niyat IN ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT THE ROLE OF INNOVATIONS.....	26
13. Oripova Ra'no Tolibovna O'ZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI.....	28
14. Одилов Бобуржон Фуркат угли, Шаякубов Даврон Равшанович К ВОПРОСАМ МЕТОДОЛОГИИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СУЩНОСТИ И ЗАДАЧ НАЛОГОВО- ГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ.....	30
15. Кенжаев Бобур Рўзибой ўғли ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .	33
16. Кенжаев Бобур Рўзибой ўғли ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	36



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СОЛИҚЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ибрагимов Абдугапур Каримович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси профессори
Тажибаев Илхом Пулатович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси магистранти.
Телефон: +998 90 348 56 49
gafuribragimov@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқларнинг ҳисоб-китоби ва уларни банк бухгалтериясида ҳисобга олиш масаласи, унинг муаммолари ва ечимлари таҳлил қилинган ва тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: тижорат банклари, фоизли харажат, фоизсиз харажат, фоизли даромад, операцион харажат, солиққа тортиш, даромад солиғи, фойда солиғи, бухгалтерия ҳисоби, счётлар, солиқ тўловчилар.

ANNOTATION: this article analyzes the issue of accounting for taxes paid by commercial banks and their accounting in Banking Accounting, its problems and solutions, and provides relevant conclusions and proposals.

KEYWORDS: commercial banks, interest expense, interest-free expense, interest income, operational cost, taxation, income tax, profit tax, accounting, accounts, taxpayers.

КИРИШ

Иқтисодиётни либераллаштириш ва жаҳонда содир бўлаётган ўзгаришлар, шу жумладан Россия-Украина уруши кўплаб молиявий институтларнинг фаолиятига таъсир қилмоқда. Масалан Ўзбекистонда “Мир” картаси бўйича операцияларнинг тўхталиши тижорат банкларининг фаолиятига, уларнинг даромадига таъсир қилмоқда. Ўзбекистондаги тижорат банкларининг фаолиятини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда молиявий институтлар фаолияти устидан тўлиқ назоратнинг сустиги, бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари(МҲҲС) ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари(БҲҲС) талаблари даражасида етарлича ташкил этилмаганлиги ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлик хизматлари фаолиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат бермоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга уриниши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ушбу кўрсаткичлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади. Ушбу мақсадда тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил этишда, аввалом бор, уларда мукамал тарзда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, ҳар қандай фойдаланувчилар учун тушунарли бўлган ва самарали бошқарувни таъминловчи молиявий ҳисоботларни тузиш каби услубиятларни яратиш зарурияти пайдо бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари йирик солиқ тўловчи ҳисобланади ва шунинг учун улар томонидан солиқ базаси, солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкалари ва уларни бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шуни айтиб ўтиш мумкинки, тижорат банкларида солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда солиқ тизимини ташкил этиш



лозим. Ушбу мақсадда тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш, шу жумладан даромад ва харажатларни ҳисобга олиш, уларни аниқ ҳисоблаш, солиқ базасини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шу жумладан уларни ҳисобини ташкил қилишда БҲХС №1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”, БҲХС №12 “Даромаддан солиқлар”, БҲХС 23 “Қарзлар бўйича харажатлар”, МҲХС №15 “Харидорлардан шартнома асосидаги тушумлар” номли стандартлардан кенг фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда хориж сармояларининг сезиларли равишда ортиб бориши банк тизимига бўлган ишончнинг яна ошишидан далолат бермоқда. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларининг турли потенциал фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг сифат тавсифини ва ахборотларнинг ошкоралик даражаларини янада кучайтириш лозимлигини билдиради ва бунда жаҳон амалиётида ишлаб чиқарилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) 1 ни қўллаш катта аҳамият касб этади.

Тижорат банкларида солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу жумладан уларни ҳисобини ташкил қилишда МҲХС №12 “Даромаддан солиқлар” номли стандартдан кенг фойдаланилади.

Тижорат банкларининг солиқларини ҳисобга олиш жараёнида уларнинг олган даромад ва харажатларини таркибини тўғри аниқлаш ва унинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш лозим.

Тижорат банкларининг солиқларини шакллантириш жараёнида фоизли даромад, фоизли харажат, кўриши мумкин бўлган зарарни баҳолаш, фоизсиз даромад ва фоизсиз харажат, операцион харажатларни ҳисобга олиш лозим.

1-жадвал

АТБ «Invest-Finance Bank» фойда солиғини таркибинининг таҳлили

млн сўм ҳисобида

№	Харажат ва даромадларнинг таркиби	2020 йил	2021 йил	Ўзгариши +/-
1.	Фозили даромадлар	436311,2	710936,3	+274625,1
2.	Фоизли харажатлар	295120,8	476974,1	+181853,3
3.	Соф фоизли даромадлар	133901,1	233962,2	+100061,1
4.	Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш	22019,9	25411,7	+3391,8
5.	Баҳолашдан кейинги соф фоизли даромад	111881,2	208550,5	+96669,3
6.	Фоизсиз даромадлар	296784,5	329688,7	+32904,2
7.	Фоизсиз харажатлар	108255,4	145789,2	+37533,8
8.	Соф фоизсиз даромадлар	188529,1	183899,5	-4629,6
9.	Операцион харажатлар	124049,5	156251,2	+32201,7
10.	Солиқ тўлангунча соф фойда	176360,8	261610,5	+85249,7
11.	Фойда солиғини баҳолаш	35272,3	52322,1	+17049,8
12.	Соф фойда ёки зарарлар	141088,5	209288,4	+68199,9

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банкининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан +68199,9 млн.сўмга кўпайган, бунга асосан соф фоизли даромадининг 100061,1 млн. сўмга кўпайиши таъсир қилган, лекин солиқ тўлангунга қадар соф фойда эса нисбатан камроқ, яъни +85249,7 млн.сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари +37533,8 млн сўмга фоизсиз харажатларнинг кўпайиши салбий таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Фойда солиқларини ҳисобга олишда асосий масала бўлиб қуйидагиларнинг жорий ва келгуси солиқларга бўлган таъсири қай тарзда ҳисобга олиниши кераклиги ҳисобланади:

- тижорат банкининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган активлар (мажбуриятлар)нинг баланс қиймати келгусида қопланиши (тўланиши);

- тижорат банкининг молиявий ҳисоботларида тан олинган жорий давр учун операциялар ва бошқа ходисалар. Табиийки, ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъекти актив ёки мажбуриятни тан олганида, ушбу актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланиши ёки тўланишини кутади. Агар ушбу баланс қийматининг қопланиши ёки тўланиши, бу қийматнинг қопланиши ёки тўланиши фойда солиғига таъсир қилмаган ҳолга қараганда



келгусида кўпроқ (камроқ) солиқ тўланишига олиб келиши мумкин бўлса, ушбу стандарт, маълум чегараланган истисно ҳолатларидан ташқари ҳолларда, тижорат банкининг муддати узайтирилган солиқ мажбурияти (муддати узайтирилган солиқ активи) тан олинисини талаб этади.

Ушбу стандарт тижорат банки томонидан операциялар ва бошқа ҳодисалар қай тарзда ҳисобга олинса, худди шу тарзда ушбу операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг солиқ оқибатлари ҳам ҳисобга олинисини талаб этади. Шунинг учун, фойда ёки зарар таркибида тан олинган операциялар ва бошқа ҳодисалар бўйича ҳар қандай уларга боғлиқ бўлган солиқ оқибатлари ҳам фойда ёки зарар таркибида тан олинади.

Шу тариқа, муддати узайтирилган солиқ активлари ва мажбуриятларининг бизнес бирлашувида тан олинисини, ушбу бизнес бирлашувида юзага келадиган гудвил суммасига ёки манфаатли хариддан тан олиннадиган фойда суммасига таъсир қилади. Ушбу стандарт, шунингдек, солиқ зарари ёки солиқ имтиёзларидан фойдаланмаслик натижасида келиб чиқадиган, муддати узайтирилган солиқ активларини тан олиш, фойда солиқларини молиявий ҳисоботда акс эттириш ҳамда фойда солиқларига тегишли бўлган маълумотларни очиб бериш бўйича талабларни қамраб олади.

Мазкур стандарт фойда солиқларини ҳисобга олишда қўлланилади ва унинг мақсадларида, фойда солиқлари, солиққа тортиладиган фойдадан олиннадиган ҳамма маҳаллий ва ҳорижий фаолиятлар бўйича солиқларни, қамраб олади. Фойда солиқларига, шунингдек, ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъекти фойдасига шубҳа тадбиркорлик субъектлари, қарам тадбиркорлик субъектлари ёки қўшма корхоналар томонидан тўланадиган суммалардан олиннадиган ва тўлов манбаида ушлаб қолиннадиган солиқлар киради.

Стандартда куйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда – бу солиқ харажатлари чегириб ташланишидан олдинги давр фойдаси ёки зарари.

Солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) – бу солиқ идоралари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланган ва ундан фойда солиқлари тўланиши (қопланиши) талаб этиладиган давр фойдаси (зарари).

Солиқ харажати (солиқ даромади) – бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма.

Жорий солиқ - бу давр учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари)дан тўланадиган (қопланадиган) фойда солиқлари суммаси.

Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари - бу келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган фойда солиқларининг суммаси.

Муддати узайтирилган солиқ активлари – фойда солиқларининг куйидагилар бўйича келгуси даврларда қопланадиган суммаси:

- келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар;

- фойдаланилмаган солиқ зарарларини келгуси даврларга ўтказиш;

- фойдаланилмаган солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш. *Вақтинчалик фарқлар* – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати билан унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлардир. Вақтинчалик фарқлар куйидагича бўлиши мумкин:

- келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар - вақтинчалик фарқлар бўлиб, улар актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки тўланадиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда солиқ солинадиган суммаларни юзага келтиради;

- актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси – ушбу актив ёки мажбуриятнинг солиқ мақсадларидаги қиймати.

ХУЛОСАЛАР

Солиқ харажати жорий солиқ бўйича харажатни ҳамда муддати узайтирилган солиқ бўйича харажатни қамраб олади. Тижорат банкларида солиққа тортишда муҳим масала солиққа тортиш базасини аниқлаш ҳисобланади. Шу сабабли ушбу масалани моҳиятини белгилаб олиш керак.

Масалан, активнинг солиқ базаси – бу активнинг баланс қиймати қопланганида, тадбиркорлик субъекти томонидан олиннадиган ҳар қандай солиққа тортиладиган иқтисодий нафдан солиқ мақсадларида чегириб ташланадиган суммадир. Агар бу иқтисодий нафлар



солиққа тортилмаса, активнинг солиқ базаси унинг баланс қийматига тенг бўлади.

Шундай қилиб, тижорат банклари томонидан тузиладиган ҳисобот шаклида даромад, харажат, фойда ва зарарлар, солиққа тортиш базаси ва солиқ бўйича кўрсаткичлар умумлашган ҳолда консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттирилади:

1) Демак тижорат банклари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш ва солиққа тортиш масаласини очиқ бериш жараёнида пандемия оқибатларини алоҳида ҳисобга олиш ва уларни ижобий ҳал қилиш бўйича изланишлар олиб бориш давр талаби ҳисобланади. Тижорат банклари томонидан солиқ базасини ҳисоблаш жараёнида аввао, унинг тамойиллари ва қоидаларини ўзида акс эттирадиган ягона ҳужжат тижорат банкининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари ва молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларига таяниш лозим.

2) Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва солиққа тортиш масаласини ҳисобини акс эттириш, уни консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттириш ва бош банк банк филиалларининг солиқлари ва уларни тўғри ҳисобланишини доимий равишда назорат қилиб бориши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь/. Тошкент: "Ўзбекистон", 2020 – 30 б.

2. Бабаев Ю.А., Петров А.М. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО). Учебник, М.: ИНФРА-М, 2017. -398с.

3. Бычкова С.М. Международные стандарты аудита : учебное пособие/ С.М.Бычкова, Е.Ю.Итыгилова. -М.: ПРОСПЕКТ, 2008. -432 с.

4. Бархатов А.П. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. – М.: Дашков и К, 2012. – 484 с.

5. Ибрагимов А., Очиллов И., Қўзиёв И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби.- Т.:“ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008. Б. 263.

6. Ibragimov A.K. Banklarda buxgalteriya hisobining milliy va xalqaro standartlari. /A.K.Ibragimov, M.D.Marpatov, N.K.Rizaev.– Т.:Moliya, 2016.–370 b..

7. Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.Қ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Т.:Молия, 2010.-272б.



TARAQQIYOTNING HOZIRGI BOSQICHIDA SHAXS IQTISODIY XAVFSIZLIGI MASALASI

Bahodirov Z.O.,
TMI, IX-90 guruh talabasi
Ilmiy rahbar: Safarov G'.A

Annotatsiya: Ushbu tezis shaxs iqtisodiy xavfsizligi, uni ta'minlashning ustuvor yo'nalishlari hamda bu boradagi davlat predmeti va davlat strategiyasining ustuvor vazifalarini o'zida mujassam etgan.

Kalit so'zlar: Shaxs iqtisodiy xavfsizligi, davlat predmeti, davlat strategiyasi, iqtisodiy tahdidlar, inson erkinliklari, ijtimoiy – iqtisodiy ehtiyoj, shaxs manfaatlari.

Zamonaviy taraqqiyot bosqichida iqtisodiy xavfsizlik masalasi birinchi navbatda insonning jamiyatdagi o'rinini mustahkam poydevorini yaratish bilan ta'minlanadi. Chunki hozirgi globallashuv bosqichida qarorlar qabul qilish jarayonlariga inson omilining ta'siri kuchayib bormoqda. Hozirgi davrda insoniy rivojlanish va hayot sifati davlat boshqaruvi samaradorligining mezoniga aylanib qoldi. Bunday holat insonning iqtisodiy va ijtimoiy xavfsizligi o'rtasida o'zaro bog'liqlik mavjudligini ko'rsatadi. Insonning iqtisodiy xavfsizligi – bu insonning muhim hayotiy manfaatlarining himoyalaniishi uchun shart – sharoitlarning kafolatlangandagi, ijtimoiy taraqqiyot hamda inson va jamiyat himoyasi tizimi ta'minlangandagi holatdir. Shaxsning iqtisodiy xavfsizligi milliy iqtisodiy xavfsizlik va shu bilan birga davlatning ijtimoiy – iqtisodiy siyosati bilan belgilanadi. Mamlakatimizda inson iqtisodiy xavfsizligining huquqiy asosini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, Fuqarolik kodeksi, respublika qonunlari va turli qonuniy hujjatlar tashkil qiladi. Alohida fuqarolar va jamiyat – shaxs iqtisodiy xavfsizligining ob'yekti hisoblanadi.

Quyidagilar shaxsning iqtisodiy xavfsizligi sohasida davlat faoliyatining predmeti bo'lib hisoblanadi:

- insonning iqtisodiy xavfsizligi tizimiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan omillarni tahlil va sintez qilish;
- ijtimoiy – iqtisodiy siyosatni takomillashtirish uchun xizmat qiladigan iqtisodiy siyosat va institutsional o'zgarishlarni amalga oshirish.

Shaxsning iqtisodiy xavfsizligi borasidagi davlat strategiyasi ham qabul qilingan bo'lib, u quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- ichki va tashqi tahdidlarni tavsiflash;
- insonning iqtisodiy xavfsizligi shart – sharoitlariga muvofiq keladigan mezon va iqtisodiyotning holati;
- iqtisodiy, huquqiy va ma'muriy choralar asosida insonning muhim manfaatlarini himoyalash;

- insonning iqtisodiy xavfsizligi borasidagi davlat strategiyasini bajarilishini nazorat qilish.

Insonning iqtisodiy xavfsizligi fuqarolarning hayot faoliyatini ta'minlashga qaratilgan chora – tadbirlar tizimini ishlab chiqish va amalga oshirishni ko'zda tutadi:

- oziq – ovqat bilan ta'minlash;
- ish bilan bandlikni ta'minlash;
- ta'lim olish uchun sharoit yaratish;
- axborot bilan ta'minlash;
- tibbiy xizmat ko'rsatish;
- nafaqa ta'minoti;
- shaxsiy jamg'armalarni himoyalash;
- uy – joy kommunal xizmatlari ko'rsatish;
- ekologik xavfsizlikni ta'minlash.

Insonning iqtisodiy xavfsizligi davlatning ijtimoiy – iqtisodiy siyosati bilan bog'liq bo'lib, ehtiyojlarni qondirish uchun mamlakat fuqarolariga yetarli bo'lgan daromad darajasini ta'minlashni ko'zda tutadi.

Insonning ijtimoiy xavfsizligi mamlakat iqtisodiyoti, shu jumladan, sog'liqni saqlash, ta'lim, madaniyat va ijtimoiy sohaning boshqa tarmoqlarini individning yetarli hajmda hamda sifatli ne'matlar va xizmatlarga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish imkonini beradigan taraqqiyotga



erishishini bildiradi.

Shaxsning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash yo'llari. Bu borada shaxs iqtisodiy xavfsizligi bir qancha ustuvor vazifalarni bajarilishi lozim. Ular:

- shaxs erkinliklari va uning iqtisodiy mustaqilligi;
- shaxsning ijtimoiy – iqtisodiy ehtiyojlari va manfaati;
- shaxs manfaatlariga ta'sir etuvchi iqtisodiy tahdidlar;
- o'rganilayotgan mamlakatlarda shaxsning ijtimoiy – iqtisodiy jihatdan himoyalaniishi;
- insonning intellektual va iqtisodiy manfaatlarini himoyalash va hokazolar...

Inson va fuqaroning huquq va erkinliklari - insonga bekamu - ko'st yashash imkoniyatini beruvchi va iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy, siyosiy sohalarida o'z imkoniyat va talablarining amalga oshirilishini ta'minlovchi huquqiy maqom. Inson huquqlari va erkinliklariga rioya etish O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyaviy tuzumining asosidir. O'zbekistonning har bir fuqarosiga, uning jinsi, irqi, millati, tili, diniy e'tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, maslagi, shaxsiy va ijtimoiy ahvolidan qat'i nazar, inson huquqlari va erkinliklari buzilmasligini, sud yo'li bilan himoya qilinishini kafolatlaydi.

Insoniyat tabiatdan biologic, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ma'naviy va boshqa xarakterdagi turli – tuman ehtiyojlar qurshovida yaratilgan. Bu ehtiyojlar ichida iqtisodiy, ya'ni moddiy ehtiyojlar muhim o'rin tutadi.

Moddiy (iqtisodiy) ehtiyojlar – shaxs, firmalar va jamiyatning faoliyati uchun zarur bo'lgan ehtiyojlarni aks ettiradi.

Ijtimoiy ehtiyojlar - odamning jamiyatdagi faoliyati munosabati bilan yuzaga keladi. Bularga ijtimoiy faollik, o'z-o'zini ifoda etish, odamlar bilan muloqot qilish, ijtimoiy huquqlarni ta'minlash va boshqalarga bo'lgan ehtiyojlar kiradi.

Shaxs iqtisodiy xavfsizligi sohasida iqtisodiy tahdidlardan himoyalaniish masalasi muhim o'rin tutadi. Iqtisodiy tahdidlar – mamlakatdagi iqtisodiy holatga salbiy ta'sir ko'rsatadigan, shaxs, jamiyat, davlatning iqtisodiy manfaatlarini cheklab qo'yadigan, milliy qadriyatlar va hayot tarziga xavf soladigan hodisa va jarayonlardir.

Bu atamaning mazmun mohiyati keng ma'noda ifodalansa - mamlakat aholisini ijtimoiy va moddiy muhofaza qilinishini ta'minlaydigan va jamiyatda qaror topgan xuquqiy, iqtisodiy, ijtimoiy chora tadbirlar majmui demakdir. Uning asosiy maqsadi aholi farovonligining to'xtovsiz yaxshilanishini ta'minlash, aholi qatlamlarining ta'lim, madaniyat, kasb malakasi, daromadlari jihatidan keskin tafovutlariga barham berish, jamiyat tomonidan insonga munosib hayot darajasini va inson taraqqiyotini ta'minlashga yordam berishdan iboratdir.

Umumiy qilib hulosa qilsak, yurtimizda iqtisodiy xavfsizlikning asosiy bo'g'ini hisoblanmish, inson iqtisodiy xavfsizligini ta'minlashda hukumatimiz o'z oldiga bir qancha ustuvor vazifalarni qo'ygan. Biz inson iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash orqali, mamlakatimizning iqtisodiy xavfsizligini yanada oshirgan bo'lamiz, desak mubolag'a bo'lmaydi. Buning uchun biz yuqorida keltirib o'tilgan vazifalarni amalga oshirish bilan birga, aholi orasidan imkon boricha ko'proq yuqori saviyaga ega bo'lgan, malakali kadrlarni yetishtirishimiz va ularni ish bilan bandliklarini ta'minlab, yurtimizda ishsizlik darajasini pasaytirishimiz, daromadlarni qo'lga kiritishimiz uchun ijtimoiy – iqtisodiy shart sharoitlarni yaratishimiz hamda yurtimizda aholi qatlamlarini ijtimoiy himoya qilishning kuchli tizimini yo'lga qo'yishimiz maqsadga muvofiq bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. <https://tsuos.uz> “Iqtisodiy xavfsizlik va raqobatbardoshligi” (o'quv qo'llanma)
2. <https://uz.m.wikipedia.org> “Iqtisodiy tahdidlar”, “Iqtisodiy manfaatlar”
3. <https://fayllar.org/ozbekiston-respublikasi-oliy-va-orta-talim-vazirligi-bu-v168.html?page=2> “Shaxs faoliyatida ishsizlik iqtisodiy xavfsizlikning ijtimoiy indikatorini”



РАҚАМЛИ БАНК МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Алимов Бахтиёр Муродович
АТ Халқ банки департамент директори

Аннотация. Мазкур тезисда тижорат банклари филиалларининг виртуаллашуви, рақамли банк технологиялари асосида банк хизматларини кўрсатишда сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти билан яқиндан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириши, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, *m-banking*, банк маҳсулоту, инновация, трансформация

IBM барқарор рақамли банкни лойиҳалаш ҳисоботида рақамли банк тушунчасини шакллантирган. Корпорация маълумотларига кўра, бу шунчаки мобил иловани жорий этиш ёки филиалларни рад этиш эмас. Улар рақамли банк ўз маҳсулот ва хизматларининг кўп қисмини рақамли равишда тақдим этиши керак деб ҳисоблайди. Бундай банк инфратузилмаси реал вақт режимида рақамли ўзаро алоқалар учун оптималлаштирилган бўлиб, ички маданият рақамли технологияларни ўзгартиришнинг юқори тезлигини назарда тутди. IBM ҳисоботида рақамли банкингни тўртта моделга ажратади.¹

Модел А рақамли банкинг брендиدير. Кўп сонли эски тизимлар ва бизнес жараёнларга эга классик банклар доимий равишда бренднинг рақамли бўлишини ва янги талабларга жавоб беришини хоҳлайдиган янги "илғор" истеъмолчига яқинлашишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу банклар қаторига Сингапурдаги ОСВСнинг FRANK ва Испаниядаги СаихаБанкнинг ЛКХА рақамли банклари киради.

Б модели рақамли каналларга эга банкдир. Олдинги моделда қурилган банклардан фарқли ўлароқ, Б моделидаги банклар фойдаланувчи учун қулайликларни яхшилашга қаратилган ташкилотни қурадилар. Одатда, бу банклар мавжуд банкларнинг бек офиси ва банк лицензиясидан фойдаланадилар ҳамда фойдаланувчиларга қулайроқ интерфейс орқали ўз маҳсулотларини қайта сотадилар. Бундай банкларга АҚШдаги Moven ва Россиядаги Rocketbank мисол бўла олади.

Модел С банкинг рақамли филиалидир. Ушбу модел иккита ёндашувни бирлаштиради: рақамли фойдаланувчи ва янги бизнес жараёнлари. Йирик банклар ўзларининг тизимлари жуда инерт ва рақамли банкни бошқариш учун жуда ёпиқ эканлигини аниқлашлари мумкин. Бундай банкларга мисол қилиб BNP Paribas банкининг Hello Bank ва Открытие филиали бўлган “Точка” банкни келтириш мумкин.

Модел Д тўлиқ рақамли банкдир. Ушбу банклар бутун маҳсулот таклифини рақамли технологиялар асосида қурмоқда. Бу филиалсиз банклар бўлиши шарт эмас, лекин бундай банкларнинг мижозлари биринчи навбатда рақамли каналлар орқали ўзаро алоқа қилишни кутишади. Мисоллар: Германиядаги Фидор Банк ва ТКС.

1-жадвал

Рақамли банк филиали моделлари²

Модель	А – банкинг рақамли бренди	Б – рақамли каналларга эга банк	С - Банкнинг рақамли филиали	Д – тамомила рақамли банк
Маҳсулотлар, сотув, маркетинг	Мустақил	Мустақил	Мустақил	Мустақил
Каналлар	мустақил, баъзида бош банк билан умумий	Мустақил	Мустақил	Мустақил
Бек офис	Бош банк билан умумий	Бош банк билан умумий	Мустақил	мустақил
Банк лицензияси	Бош банк лицензиясидан фойдаланади	Бош банк лицензиясидан фойдаланади	Бош банк лицензиясидан фойдаланади	мустақил

1 McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services

2 Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018



Рақамли банкинг муваффақият омиллари

Ҳар қандай модел учун муҳим муваффақият омили самарали масштаблаш қобилиятидир.

Юқорида тавсифланган ҳар қандай модел учун муҳим муваффақият омили самарали ўлчаш қобилиятидир. Шундай қилиб, таниқли брендни қўллаб-қувватламасдан ва ташкил этилган банк ташкилоти ёрдамсиз финтех стартаплари молиявий бозорда фойдаланувчиларни жалб қилиш учун курашиш жуда қийин бўлади, бу эрда мижозлар ишончини мустаҳкамлаш жуда қийин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services
2. Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018



ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИ АСОСЛАРИ

Тошпўлатов Бекзод Хасанбой ўғли
Банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Мазкур тезисда Республикамизда банк аудитини амалга оширишнинг меъерий-ҳуқуқий асослари ўрганилиб, банк аудитини ўтказишни янада ривожлантириш борасида ва уни жаҳон андозалари талабларига мос равишда ўтказиш борасида ишлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *ички аудит, банк кенгаши, аудитор, трансформация, чиқи назорат, молиявий натижалар, Аудитнинг Халқаро Стандартлари*

Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги бир қатор макроиқтисодий омилларнинг бевосита таъсирини инобатга олган ҳолда, мамлакатда кузатилаётган макроиқтисодий шароитлар таҳлилини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2021 йилда Марказий банк фаолияти бир томондан, ташқи ва ички талабнинг сезиларли ошиши, ишлаб чиқариш фаоллигининг жадаллашиши иккинчи томондан, эса глобал таъминот занжиридаги узилишларнинг сақланиб қолиши ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хатарлар кучайиши таъсирида инфляция жараёнларнинг тезлашиши, пандемия даврида кредитлар бўйича берилган имтиёзли муддатларнинг тугаши натижасида банк тизимида кредит хатарларининг ортиши шароитларида олиб борилди.

Мазкур ўсиш асосан, марказлашмаган манбалар ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг 2020 йилдаги 5,4 фоиздан 7,4 фоизгача тезлашганлиги ҳисобига таъминланди. Бунда, аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ўсишининг 2020 йилдаги 3,4 фоиздан 4,5 фоизгача, тижорат банклари кредитларининг (-47,3) фоиздан 10,9 фоизгача тезлашганлиги кузатилди.¹

Марказлашган манбалар таркибида ҳам таркибий ўзгаришлар кузатилиб, инвестиция мақсадларига йўналтирилган бюджет маблағлари ўсиш суръати 35,8 фоизни, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ўсиши эса 11,9 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши, млрд.сўмда²

№	Молиялаштириш манбалари	2020 йил	2021 йил	Ўзгариши, фоизда
	Жами инвестициялар	210195,1	244962,1	116,5
1.	Марказлашган инвестициялар	42 003,5	44791,6	106,6
1.1.	Бюджет маблағлари	14 316,2	21 498,2	150,2
1.2.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2515,7	3114,4	123,8
1.3.	Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	23221,8	17318,2	74,6
2.	Марказлашмаган инвестициялар	168191,6	200171,0	119,0
2.1.	Корхоналарнинг ўз маблағлари	66848,5	71257,3	106,6
2.2.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	66537,0	87139,1	131,0
	шу жумладан,			
	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	29682,0	30149,2	101,6
2.3.	Аҳоли маблағлари	18873,1	22229,2	117,8
2.4.	Тижорат банклари кредитлари	15933,0	19 545,4	122,7

Ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ҳажмининг 32,2 фоизгача пасайиши, жами молиялаштириш манбалари таркибидаги улуши эса, 11,1 фоиздан 7 фоизгача камайиши кузатилди.

1 www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

2 Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари



Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорининг 2021 йил давомида 2 марта 10 фоиздан оширилиши ҳамда ишсизлик даражасининг 10,5 фоиздан 9,6 фоизгача пасайганлиги аҳоли даромадлари ўсишини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди, учинчи ўринни эса, асосий воситаларга қилинган қуйилмалар эгаллайди. Ҳолбуки, асосий воситалар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади, кассали активларнинг даромадлилик даражаси эса, жуда пастдир. Ривожланган индустриал мамлакатларнинг банк амалиётида эса, тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни қимматли қоғозлар шаклидаги активлар, учинчи ўринни эса, кассали активлар эгаллайди. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар даромадлилик даражасига кўра кредитлардан кейинги актив ҳисобланади. Бундан ташқари, улар банкларнинг ликвидлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам, қўллаб-қувватлаш хорижий банкларда активларнинг даромадлилик даражасини юқори эканлиги кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари
2. Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СОФ ФОИЗЛИ МАРЖАНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мейлиев Жасур Зулфикарович
“Ўзмилийбанк” АЖ Ходимлар
билан ишлаш департаменти
директори ўринбосари
Телефон: +99890 939-23-33
jzmeyliev@gmail.com

АННОТАЦИЯ


Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш ва унинг амалий аҳамиятига баҳо бериш банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим методологик масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақола мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда соф фоизли маржанинг амалий аҳамиятини ва унинг амалдаги ҳолатини кўрсатиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: маржа, молиявий барқарорлик, фоизли харажатлар, даромад, кредит портфели, актив, брутто кредитлар.

Соф фоизли маржа тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида соф фоизли маржани ҳисоблашнинг халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан таклиф қилинган методикаси қўлланилади ва ушбу методикага кўра, соф фоизли маржа соф фоизли даромадлар билан банк активларининг ўртача суммаси ўртасидаги нисбатан шаклида аниқланади¹. Унинг меъёрий даражаси 4,5 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун соф фоизли маржанинг барқарорлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган².



1-расм. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Асакабанкда соф фоизли маржа, фоизда³

1 Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. Москва: КНОРУС, 2016. - С. 244.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

3 Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки ва Асакабанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.



1-расм маълумотларидан кўринадик, 2019-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида ҳам, Асакабанкда ҳам соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражаси таъминланмаган. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадик, ТИФ Миллий банкида ҳам, Асакабанкда ҳам таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси беқарор бўлган. Масалан, ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга ошгани ҳолда, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 0,1 фоизли пунктга пасайган. Асакабанкда соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда брутто активларнинг ўсиш суръатини соф фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, тижорат банкларида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш ва унинг барқарорлигига эришиш учун, биринчидан, фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали соф фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш керак.

Асакабанкда 2021 йилда 2020 йилга нисбатан фоизли даромадларнинг ўсиш суръати 15,1 фоизни ташкил этгани ҳолда, фоизли харажатларнинг ўсиш суръати 27,7 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган.

Иккинчидан, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражасини таъминлаш керак. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитлар Ўзбекистон тижорат банкларининг активларининг таркибида жуда катта салмокни эгаллайди (2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғи 71 фоизни ташкил этди); иккинчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси республикамиз банкларида нисбатан юқори. Масалан, ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, 3,5 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич, халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган мезонга кўра, 1,0 фоиздан ошмаслиги керак.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тўлиқ тижорат банкнинг харажатига олиб борилади. Шу сабабли, захира ажратмалари суммасининг ошиши банкларнинг молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг даражаси нисбатан юқоридир. Марказий банкнинг расмий статистик маълумотида кўра, республикамиз тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 5,2 фоизни ташкил этди¹.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. Москва: КНОРУС, 2016. - С. 244.

3. Баланс ҳисоботи. 2019, 2020, 2021 йиллар//www.nbu.uz (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки)

4. Муаммоли кредитлар//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

1 Муаммоли кредитлар//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Баҳромов Нодирбек
Акциядорлик тижорат
Халқ банки бош мутахассиси

Аннотация

Мазкур илмий тезисда муаллифнинг тижорат банкларида рақамли трансформацияни амалга ошириш долзарблиги, рақамли технологияларнинг банк фаолиятини ривожлантиришга аҳамияти борасидаги шахсий фикр ҳамда мулоҳазалари келтириб ўтилган. Шунингдек, сўнги йилларда рақамли банк хизматлари бозорида рўй берган тенденциялар билан яқиндан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли банк, трансформация, рақамли технологиялар, масофавий банк хизматлари

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар инсонлар турмуш-тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Уларнинг аҳамияти янги босқичга кўтарилди ва қамров кўлами сезиларли равишда ортиб борди. Буни одамлар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ вақтини интернетда ўтказаятганлигида ҳам кўриш мумкин. Дунё бўйлаб интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 4,54 миллиардга етди, мазкур кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 7,0 фоизга (яъни, 298 миллион) ошди. Глобал даражада 2020 йилга келиб 3,80 миллиард ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси мавжудлиги статистик маълумотлардан аниқланган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 9 фоиздан кўпроқ (321 миллион) экан. Шунингдек, дунёда 5,19 миллиарддан ортиқ киши мобил телефонлардан фойдаланади ва фойдаланувчилар сони ўтган йил давомида 124 миллионга (2,4 фоиз) ўсди [1].

Рақамли технологиялар кўплаб молиявий тўсиқларни бартараф этишга ёрдам бермоқда. Бу эса мижозлар учун янги молиявий хизматларни қулай нархларда таклиф қилиш имконини берди. Ахборот технологияларидаги сўнги ўзгаришлар мутлақо янги хизмат тушунчаси ва муҳитини яратди, бу эса одамларнинг хизматларни сотиб олиш ҳамда сотиш усуллариини ўзгартирди.

Крис Скиннер ўзининг "Банк соҳаси истиқболлари" китобида айтганидек: бўлажак банк соҳаси электрон операциялар орқали расмийлаштирилган виртуал молиявий муносабатларга асосланган рақамли бозордир. Бинобарин, банк соҳасида рақамли технологиялар нафақат янги имкониятлар очадиган, балки унинг ажралмас ҳаётий таркибий қисмига айланувчи муҳим компонент саналади; Бу бир вақтнинг ўзида унинг устунлиги, ҳам заифлиги саналади. Устунлиги молиявий секторнинг технологиядан фойдаланиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш қобилиятида бўлса, камчилиги эски операциялар ҳамда инфратузилмалардан тўлиқ электрон бизнесга ўтиш муаммосидалиги билан ҳарактерланади [2].

Рақамлаштириш банкларга мижознинг ахборотларини қайта ишлаш жараёнларини макон ҳамда замоннинг таъсирини инобатга олмаган ҳолда тезлаштириш, ривожлантириш учун янги имкониятларни очишга ёрдам беради. Телефон (Т-banking), интернет (e-banking) ва мобиль (m-banking) банкинг каби рақамли банкинг каналларининг пайдо бўлиши мижозларнинг хизматлардан фойдаланиш усуллариини ўзгартириб, анъанавий банк хизматларини сиқиб чиқаришга олиб келади. Жабоноун ва Ал-Тамаи (2003) шунингдек, банклар оммавий мижоз учун катта хизмат кўрсатиш майдонини таъминлашга бўлган эҳтиёжнинг юзага келишининг олдини олади, чунки мижоз рақамли платформалар орқали керакли хизматлардан банкга ташриф буюрмасдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади [3].

Ўзбекистон амалиётида "рақамли банк" атамаси илк марта Марказий Банк Бошқарувининг 2018 йилда "Банкларни рўйхатга олиш ва фаолиятини лицензиялаш тартиби"га ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қарорида киритилди. Мазкур ҳужжатга кўра "рақамли банк" - инновацион технологиялар ёрдамида масофадан туриб банк хизматларини кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмасига нисбатан қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Хусусан, инновацион банк технологиялари орқали масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди [4].



Таъкидлаб ўтиш керакки, 2020 йилга қадар Ўзбекистонда банкларни рақамлаштириш даражаси паст бўлган ва мамлакатимизда битта ҳам тўлиқ рақамли банк мавжуд эмас эди. 2020 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Грузиянинг ТБС Банкига Тошкент шаҳрида ўз шўъбасини очиш учун дастлабки рухсатнома берди ҳамда апрель ойида эса ТБС Банк акциядорлик тижорат банки банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олди. Шунингдек, 2020 йил март ойида Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси Тошкент шаҳрида “Анор Банк” рақамли банкни ташкил этиш учун дастлабки рухсатнома беришга қарор қилди.

Қисқа вақт ичида банклар фаолиятини рақамлаштириш инқилоб даражасида ижобий тенденцияларга эришди. Ҳозирги кунда мижозлар мобил телефон орқали товарлар учун тўловни иловани босиш орқали тўлаши ёки банк балансини текшириши одатий ҳолга айланиб улгурди. Илғор технологиялар мижозларнинг эҳтиёжларини ўзгартиришига, янада мураккаб амалиётларни ҳам масофавий каналлар орқали амалга оширишга бўлган талабларини шакллантиришга олиб келди.

“Best Bank Awards 2020” танлови доирасида Asiamoney бизнес нашри “Агробанк”ни “Ўзбекистондаги энг яхши рақамли банк” деб тан олди. Ҳозирда Агробанк томонидан 260 000 га яқин мижозлари унинг мобил иловасидан, 52 118 таси эса бизнес-иловасидан фойдаланмоқда, бу эса уларга онлайн тарзда мурожаат қилиш ҳамда кредит олиш имконини беради. Агробанк амалиётида банк микрокредитларини бир неча дақиқада тасдиқлаши имкони яратилганлиги эътирофга лойиқдир. Бунда банк томонидан кўп каналли рақамли банк платформасини ишлаб чиқиб, унга кредит скоринг дастурини жорий қилди, шу билан бирга, ўз мижозлари учун электрон савдо майдончасини ишга туширди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли банкнинг асосий вазифаси мижоз билан кун давомида 24/7 режимда унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига ҳамроҳ бўлишдир. Ижтимоий яққаланиш бугунги пандемия шароитида одатий ҳолга айланди. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб барча бозорлар ва тармоқларга, шунингдек, кундалик ҳаётга таъсир кўрсатди. Бироқ, ушбу рақамли дунёда пул оқими коронавируснинг тарқалиши ёки турли тўсиқлар шароитида тўхтаб қолмайди. Бу ижобий устунликлар рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Digital 2020. Global digital yearbook. Essential digital data for every country in the world. [Электронный ресурс]. URL: <https://wearesocial.com/global-digital-report-2020>. (дата обращения: 02.05.2020)
2. Скиннер К. Будущее банкинга / К. Скиннер. Предисловие. – 2007.
3. Jabnoun, N. Измерение воспринимаемого качества обслуживания в коммерческих банках ОАЭ // Международный журнал торговли и менеджмента, Vol. 13 № 2, с. 29-53.
4. Постановление Правления Центрального банка Республики Узбекистан. «О внесении изменений и дополнения в положение о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков». [Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 31 июля 2018 г. Регистрационный № 2014-13]



ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Одилов Бобуржон Фуркат угли,
Научный сотрудник Ташкентского финансового института,
Шаякубов Даврон Равшанович,
Исследователь Ташкентского финансового института.

Аннотация. Рассмотрены вопросы трансформации развития информационно-коммуникационных технологий и его влияние на экономический рост в условиях цифровизации.

Ключевые слова: ИКТ, цифровая экономика, Интернет, конкурентоспособность, информационное общества, закономерности, тенденции.

Развитие сектора информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) может повысить конкурентоспособность экономики на мировом рынке, а также будет способствовать выводу страны на новый уровень развития, который характеризуется интенсивными структурными сдвигами в пользу высокотехнологичного информационного сектора.

Мировой опыт показывает, что конкурентоспособность национальной экономики в целом связана с развитием информационных технологий. По данным Всемирного экономического форума, индекс конкурентоспособности экономики государств имеет высокий уровень корреляции с индексом развития их информационно-коммуникационных технологий. Отрасль информационных технологий является одной из наиболее динамично развивающихся отраслей как в мире.

В январе 2020 г. компания Gartner поделилась предварительными итогами развития мирового рынка ИКТ в 2019 г. и дала прогноз на 2020-2021 гг. По данным аналитиков, в 2019 г. его объем составил \$3,74 трлн., что на 0,5% больше, чем годом ранее. В компании отметили, что мир находится в ожидании рецессии, но пока она не началась, так что ИКТ-расходы будут расти и в 2020 г. увеличатся на 3,4% до \$3,87 трлн, а в 2021 г. могут вырасти еще на 3,7% и превысить \$4 трлн.

Расширение применения информационных технологий в государственном секторе, развитие электронных услуг и инвестиции в инфраструктуру способствуют более широкому применению информационных технологий в частном секторе и станут катализатором их распространения в корпоративном секторе. Широкомасштабная реализация концепции открытых данных обеспечит базу для развития новых информационных сервисов и повышение эффективности и удобства доступа к информационным системам со стороны населения.

За последние годы в Узбекистане были развиты различные аспекты создания электронного правительства. Дальнейшая информатизация важнейших отраслей экономики и реализация государственных проектов по их переводу в область современного применения информационных технологий стимулируют создание новых и развитие существующих направлений бизнеса, что может привести к формированию прорывных технологий в рамках отраслевых решений.

С целью дальнейшего развития системы «Электронное правительство» утвержден Государственный заказ на реализацию проектов по внедрению и развитию информационно-коммуникационных технологий, в соответствии с которым ведется работа по реализации приоритетных проектов в сфере электронного правительства, в частности по созданию комплекса информационных систем «Предприниматель», формированию базы данных физических и юридических лиц, созданию Национальной географической информационной системы и др.

Опыт развитых стран показывает, что развитие новых информационных и телекоммуникационных технологий непосредственно влияют не только на рост конкурентоспособности национальных экономик, но и играют решающую роль в формировании эффективного сектора исследований и образования.

За последние годы многие страны и международные организации в качестве приоритетной задачи выделили реализацию концепций и программ по переходу к информационному



обществу. Подобные концепции разработаны и реализуются в США, Великобритании, Канаде, Финляндии, Франции, Японии, Италии, Индии и др. Эти документы принимают разнообразную форму, но преследуют одну цель - войти в число лидеров мирового информационного сообщества. Переход в информационное общество несет с собой принципиально новые взаимосвязанные изменения в социально-экономическом устройстве общества, которые в свою очередь обусловлены развитием и объективным влиянием новых более совершенных и более производительных средств производства.

В настоящее время можно выделить несколько моделей вхождения в глобальное информационное общество (табл.1).

Таблица 1 – Модели вхождения в глобальное информационное общество*

№	Название	Содержание
1	Американская (либеральная)	модель вхождения в глобальное информационное общество основана на частной инициативе. Корпорации США занимают лидирующие позиции во всех сегментах мирового рынка информационно-коммуникационных технологий
2	Европейская модель	отличается повышенным вниманием со стороны государства к развитию базовых условий распространения новых технологий и созданию информационного общества как основы социально-экономического прогресса
3	Азиатская модель	охватывает новые индустриальные страны Азии (Сингапур, Малайзию, Республику Корея, Тайвань) и Японию. Отличительной особенностью этой модели является долгосрочные государственные программы в области развития ИКТ
4	“Оффшорная” модель	характерная для Китая и Индии, а также, отчасти, Ирландии, предусматривает «точечное» развитие экспортоориентированной отрасли ИКТ на основе льготного режима налогообложения и привлечения иностранных инвестиций

* Составлено авторами на основе обобщения научной литературы

Современный Узбекистан является частью мирового экономического сообщества, поэтому происходящие интеграционные процессы на международном рынке требуют от промышленных организаций не только вхождения в информационное общество на национальном, но и на мировом уровне¹.

По регионам в масштабах комплекса в подавляющем числе государств, хотя и с понижающимся трендом, продолжают доминировать телекоммуникационные услуги. По темпам роста здесь лидирует «пятерка»: Бразилия, Китай, Индия, Мексика, Россия. Вклад этой группы стран в рост мирового рынка на уровне 50% связан в основном с прогрессом мобильной связи [1]. В то же время в ведущих странах, где рынок телекоммуникаций достиг порога насыщения, идут активные поиски новых перспективных (рентабельных) направлений развития. Один из резервов – широкополосного доступа (ШПД) в проводном и мобильном решении – открывает широкие возможности для коммерциализации новых сервисов.

Таким образом, можно констатировать, что в последнее время произошло смещение мирового производства и торговли в направлении развивающихся стран. Все это обуславливает повышенный интерес к развитию данного сектора не только в развитых, но и в развивающихся странах.

Основная задача – использовать потенциал сектора исследований и разработок в республике для эффективной реализации национальных приоритетов технологического развития, одновременно превращая информационно-коммуникационный сектор в производящую отрасль «экономики знаний». В перспективных исследованиях требуется изучение следующих основных аспектов данной проблемы:

-концептуальных подходов к стратегии интеграции информационно-коммуникационной сферы республики в глобальный мировой рынок;

-направлений совершенствования институциональной базы в целях создания благоприятных условий для развития инновационно-информационного типа экономики;

1 т.е. вхождения в глобальное информационное общество



-социальных факторов (участия молодежи, образование и др.) развития информационно-коммуникационной сферы и возможностей их эффективного использования;

-стратегии по созданию стимулов к переходу на модель информационного общества в условиях посткризисного развития национальной экономики.

Теоретические результаты, полученные в ходе этих исследований, расширят научно-методологические подходы к формированию информационного общества, созданию новых условий и источников повышения конкурентоспособности страны, а также механизма их адаптации к вызовам глобализации мировой хозяйственной системы.

Список использованных источников:

1. OECD Information Technology Outlook 2015. www.oecd.org/sti/interneteconomy
2. www.finyear.com/Gartner-Identifies-Top-Vertical-Industry-Predictions-for-IT-Organisations-for-2014-and-Beyond_a27142.html
3. <http://www.ict.gov.uz>
4. А.М. Кадыров, А.Т. Ахмедиева, Динамика мировых тенденций развития сектора информационно-коммуникационных технологий в условиях глобализации <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/37739-dinamika-mirovix-tdntsiy-razvitiya-sktora>
5. www.stat.uz - Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.



RAQAMLI IQTISODIYOT JARAYONIDA MOLIVAVIY XIZMATLARNI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

Farxodjonova E‘zoza Nodir qizi

Jizzax politexnika instituti 3 - bosqich talabasi

Ortiqov Niyat Ne‘matilla o‘g‘li

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston

Milliy universiteti 3 - bosqich talabasi

Annotatsiya: ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot jarayonida moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish tushunchasi, uning iqtisodiy mohiyati hamda xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish masalalari yoritib o‘tilgan. Shuningdek, raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, balki ortiqcha xarajatlarni ham kamaytiradi.

Kalit so‘zlar: taraqqiyot strategiyasi, raqamli iqtisodiyot, axborot texnologiyasi, axborotlashtirish va raqamlashtirish jarayoni.

Bugungi kunda inson faoliyatining barcha sohalarini axborotlashtirish va raqamlashtirish masalasi juda dolzarb va muhim ahamiyatga egadir. Inson mehnatini abstraksiyalash va uni mashina mehnati bilan almashtirishga qaratilgan loyiha va dasturlar ishlab chiqilmoqda. Har qanday mamlakat taraqqiyotga erishishi uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishi zarur. Bu yuksalishning eng qisqa yo‘lidan borish imkoniyatini beradi.

Hozirgi kunda inson hayoti va faoliyatining barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda. Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, balki ortiqcha xarajatlarni ham kamaytiradi.

O‘zbekiston Respublikasining Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi PF-60 sonli Farmoniga asosan —Hududlarda xizmat ko‘rsatish va servis sohalarini rivojlantirish orqali keyingi 5 yilda xizmat ko‘rsatish hajmini 3 baravarga oshirish hamda ushbu yo‘nalishda jami 3,5 million yangi ish o‘rinlarini yaratish dasturini ishlab chiqish vazifasini belgilab berdilar .

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi —Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora tadbirlari to‘g‘risidagi PQ-4699 sonli qaroriga asosan 2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko‘paytirishni nazarda tutilgan .

Shu jumladan ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo‘jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish mumkin.

Raqamli iqtisodiy qonunchilikni kuzatish va takomillashtirish bo‘yicha monitoring markazi tashkil etildi. Raqamli iqtisodiyotni an‘anaviy iqtisodiyotga qo‘shimcha qatlam deb hisoblash mumkin. Qatlamlar o‘rtasida o‘zaro aloqa bo‘lsa-da, har bir qatlam o‘zi tartibga solishini va qoidalarini talab qiladi.

So‘nggi raqamli texnologiyalar mamlakatlar va integratsiyalashgan makromintaqalarning iqtisodiy o‘rishini rag‘batlantirishda muhim rol o‘ynaydi, raqamli iqtisodiyot an‘anaviy iqtisodiyotdan bir necha barobar tezroq o‘sib bormoqda.

Bu o‘rishning ko‘p qismi zamonaviy texnologiyalar, shu jumladan, jadal rivojlanayotgan axborot va telekommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan va qo‘llab-quvvatlanmoqda.

Ishlab chiqarish va xo‘jalik faoliyatini raqamlashtirishning potensial iqtisodiy foydasi katta - bu, birinchi o‘rinda, yangi daromad manbalarini shakllantirish va mamlakat iqtisodiy imkoniyatlari chegaralarini kengaytirish hisoblanadi.

Bu iqtisodiy tiklanish global raqobatbardoshlikning oshishiga va aholi uchun turmush sharoitining yaxshilanishiga olib keladi. Shu bilan bir qatorda, iqtisodiyotimizning raqamli o‘zgarishi ikki barobar ortiqroq bo‘ladi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi PF-60 sonli Farmoni

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi —Raqamli iqtisodiyot va



elektron hukumatni keng joriy etish chora tadbirlari to‘g‘risidagi PQ-4699 sonli qarori

3. S.Sayfullayev, N.Komilova. Sanoat iqtisodiyoti. Toshkent, “G‘afur G‘ulom” nashri. 2019-yil. 123-128-betlar.

4. Bozorov B.U., Jalolov K.M. Industrial va innovatsion iqtisodiyot. Samarqand Davlat Universiteti, 2019-yil. 56-60-betlar.

5. “Innovatsiya: iqtisod va fan” iqtisodiy ilmiy-amaliy oylik nashr., T.: 2020-yil.

6. www.soliq.uz

7. www.uzdenometr.com



IN ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT THE ROLE OF INNOVATIONS

Farxodjonova Ezoza

A student of the 3rd stage of Jizzakh Polytechnic Institute

Ortiqov Niyat

National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek 3rd grade student

Abstract. In this article , it is highlighted that innovations are becoming one of the most characteristic features of the development of the economy, in particular, entrepreneurship, and as a factor that accelerates the development of the market . Also, recommendations are given on how to achieve rapid development of entrepreneurship through the wide use of innovations in the modern world .

Key words : Innovation, capital, innovation process, innovation strategy, innovation entrepreneurship, production factors

Currently, innovation is becoming one of the most characteristic features of entrepreneurship development. The international capital market, which plays a significant role in the innovation process and turns innovation into a strategic resource for enterprises, is expanding, and new financial structures are helping it in this regard.

The emerging new economy is often called the "innovation economy," which emphasizes the role of innovation in the economy. Not all scientists agree with this name of the new economy, emphasizing that innovation is only a part of three main parts - information, finance and innovation. But directly , the common development of all these parts constitutes a new economic environment, which is the rapid production and introduction of innovations. In turn, innovation accelerates market development. Information technology also helps this acceleration. Revolutionary changes in information technology affect transaction costs, and an increase in the share of innovation in corporate intangible assets is observed.

The experience of developed countries shows that innovation is often hindered by people's direct negative attitudes and attitudes. However, a paradoxical situation is developing in Uzbekistan, that is, the whole society expresses a positive attitude and support for innovative processes, but in fact only a small part of entrepreneurs can connect with innovative entrepreneurs who are engaged in innovative entrepreneurship.

Not all inventions become innovations. Innovations are inventions that bring profit and satisfy market demand. In other words, thanks to science, an idea that can be implemented appears, and the next step is the commercialization of this idea, which turns the invention into an innovation, which brings income. It says: If science is the process of turning money into knowledge, innovation is the process of turning knowledge into money with added value.

In the development of entrepreneurship, scientific and technical innovations emerge as the main factor. Innovations create excitement by changing the economic environment from its trend to an upward trend, that is, it creates an optimistic environment. On the other hand, the skill level of the workforce and management will increase due to improved education and skills. Over time, with the achievement of a high technological level of production, the innovative characteristics of the labor force are the characteristics that grow the fastest, because the skilled labor force not only absorbs new technologies faster and uses them more efficiently, but also creates these technologies in production. The use of these technologies stimulates the competitive environment in the country, develops on the basis of the competitiveness of individual enterprises.

Therefore, in order not to be left on the edge of the global world, the only possible optimal solution is to develop science and scientific research, innovative entrepreneurship, establish communication between them, and make effective use of labor force, which is considered the best resource of the country.

References

1. Abdurahmanov QX Labor economy, theory and practice. Textbook.-T.: Science, 2019. -212-466 p.
2. B.B. Berkinov and others. Organization and financing of investments. - T.: Economy, 2011



.- 128 p.

3. Blank I.A Management investment enterprise. - K.: Nika Center, Elga. 2003. – S. - 102.

4. Vakhobov AV, Khajibakiyev Sh.Kh., Muminov NG Foreign investments. Uchebnoye posobiye. T.: Finance, 2010.-238 p.

5. Bozorov B.U., Jalolov K.M. Industrial and innovative economy. Samarkand State University, 2019. Pages 56-60.

6. "Innovation: Economics and Science" economic scientific-practical monthly edition. T.: 2020.

7.stat.uz

8. <https://mineconomy.uz>



O'ZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Oripova Ra'no Tolibovna

Farg'ona viloyati Qo'shtepa tumani
Qo'shtepa 1-son kasb-hunar maktabining
"Biznes asoslari" fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning davlat tomonidan qo'llab quvvatlanishi, bu bo'yicha qabul qilinayotgan farmon va qarorlar, shuningdek kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish yo'llari haqida malumot berilgan.

Kalit so'zlar: kichik biznes, tadbirkorlik, iqtisodiyot, islohot, bozor, yangilik, sharoit, biznes, korxonalar, kredit.

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini mustahkamlash, har tomonlama rivojlantirib borish, iqtisodiyotni xususan bozor munosabatiga o'tishni tezlashtiruvchi eng asosiy yo'llardan biri bu kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisoblanadi. Shuning uchun ham tadbirkorlikni rivojlantirishga, uni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi, xususiy tadbirkorlikda tashabbus ko'rsatish, uni rag'batlantirishga bag'ishlangan bir qancha qonun, farmon va qarorlar qabul qilindi. Mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy ijtimoiy islohotlarning tub negizini tadbirkorlik, omilkorlik va ishbilarmonlik xislatlarisiz tasavvur etish qiyin. Erkin bozor munosabatlarining keng ravnaq topishi kishilar hayotida, ularning turmush tarzida, ma'naviy va hayotiy ko'nikmalarida namoyon bo'lmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning qo'llab-quvvatlanishi nafaqat iqtisodiyotning muttasil rivojlanishi, xo'jalik aloqalarini tuzatish, raqobatni rivojlantirish va iste'mol bozorini to'ldirish bilan bog'liq bo'lgan iqtisodiy maqsadlarni ham ta'minlamoqda.

O'zbekistonda ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini barpo etishning asosiy maqsadlaridan biri mamlakatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik shakllarini ustuvor rivojlantirishdan iborat. Bu maqsadni amalga oshirish uchun iqtisodiy islohotlar o'tkazildi, uning rolini oshirish uchun yirik institutsional asoslar yaratildi. Tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish va uni kafolatlovchi huquqiy-me'yoriy hujjatlar, tadbirkorlarga ko'maklashuvchi nodavlat tashkilotlar, korxonalar shular jumlasiga kiradi.

Bugungi kunda O'zbekistonda xususiy tadbirkorlik va kichik biznes korxonalarini majmuini tashkil etish muvaffaqiyatli bormoqda. Kichik biznes faoliyati bilan shug'ullanuvchi korxonalar davlatga bog'liq bo'lmagan holda, ya'ni katta kapital mablag'larsiz o'zlari ish joylarini joriy etishlari, vaqtinchalik mavjud bo'lgan tovarlar tanqisligini kamaytirishlari va, hattoki, bu tanqislikni butunlay yo'qotishlari mumkin. Hozirgi jamiyatimizda kichik korxonalar faoliyatini ayrim kishilarning ehtiyojlarini qondirish sari yo'naltirish zarur. Bu narsa maishiy xizmat ko'rsatish hamda xalq iste'moli tovarlari ishlab chiqarish sohalarida yaqqol ko'rinmoqda. Kichik korxonalar texnologiya yangiliklarini joriy etishda ham g'oyat katta ahamiyatga ega.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiyotni rivojlantirish, aholi bandligi va daromadlarini oshirishda muhim omildir. Ushbu soha vakillarini har taraflama qo'llab-quvvatlash maqsadida oxirgi 4 yilda Prezidentning ellikdan ortiq farmon va qarorlari qabul qilindi. Jumladan, tadbirkorlik faoliyatini davlat ro'yxatidan o'tkazish, turli ruxsatnomalar olish va boshqa ko'plab xizmatlar tartib-qoidalari soddalashtirildi. Bu borada qulaylik yaratish uchun Davlat xizmatlari agentligi va uning joylardagi markazlari tashkil etildi. Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil (Biznes-ombudsman) lavozimi joriy qilindi. Barcha hududlarda tadbirkorlar murojaatlarini qabul qilib, hal etishga ko'maklashadigan Bosh vazir qabulxonalarini tashkil etildi. O'zbekiston iqtisodiy islohotlarining bosh maqsadi ochiq tashqi siyosatli, barqaror ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini kuchli demokratik huquqiy davlatni va fuqarolar jamiyatini qurish hisoblanadi. Respublikada bozor qayta o'zgartirishlari qat'iy va izchil amalga oshirilmoqda. Shu sababli ham, Respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun quyidagi sharoitlar yaratilgan:

1. Kichik biznes subyektlarining ro'yxatdan o'tish vaqti 30 daqiqani tashkil etadi. Yakka tartibdagi tadbirkor sifatida ro'yxatdan o'tish uchun faqat bir dona, yuridik shaxs sifatida kichik korxonani ro'yxatga olishda esa - ikki dona hujjat talab etiladi.

2. Deyarli barcha tarmoqdagi kichik korxonalar kichik biznesni rivojlantirish uchun qulay shart-



sharoitlar yaratishning muhim omili hisoblanadigan yagona soliq to'lovi stavkasi, realizatsiya qilingan tovarlar va xizmatlar hajmining 5% ni tashkil etadi. Shu bilan bir qatorda kichik biznes subyektlari uchun yagona ijtimoiy to'lovning amaldagi stavkasi 15% ni tashkil etadi.

3. Yangi tashkil etilgan chet el investitsiyasi ishtirokidagi ishlab chiqarish korxonalariga besh yil davomida ular ro'yxatdan o'tgan kunidagi soliq va majburiy to'lovlar stavkasini qo'llash huquqi beriladi. 2018-yildan boshlab 1 gektardan ko'proq yer maydoniga ega bo'lgan kichik korxonalar yagona yer solig'i to'lashi belgilab qo'yildi.

4. Kichik biznesni moliyaviy qo'llab-quvvatlash quyidagi yo'llar orqali amalga oshirilmoqda: banklar tomonidan imtiyozli stavkalar bo'yicha kreditlar berish; tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasining tadbirkorlik faoliyatiga berilgan kredit mablag'larining 50% miqdoridagi kafillik va tijorat banklari kreditlari bo'yicha hisoblangan foiz xarajatlarini qoplash.

5. Tadbirkorlik subyektlarining huquqlarini va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga ma'sul institut tomonidan biznes manfaatlari himoyalangan. O'zbekistonda kichik biznes subyektlari faoliyatini rejadan tashqari tekshirish bekor qilindi, shuningdek birinchi marta sodir etilgan moliyaviy-xo'jalik huquqbuzarlik uchun tadbirkorlik subyektlari ma'muriy jarimalarning barcha turlaridan ozod etilgan.

6. Respublikaning barcha hududlarida tadbirkorlik subyektlariga davlat xizmatlarini ko'rsatuvchi “yagona darcha” tamoyili ostida faoliyat ko'rsatadigan markazlarda tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlovchi markazlar tashkil qilingan. Tadbirkorlik faoliyatini endi boshlovchi subyektlar uchun o'zlarining biznes rejalarini tuzish, huquqiy va amaliy ko'mak berish, shuningdek faoliyatlari uchun zarur ma'lumotlarni olishlari uchun “biznes-inkubatorlar” tashkil etilgan.

Foydalanilga adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaror va farmonlari.
2. Internet va OAV materiallari.



К ВОПРОСАМ МЕТОДОЛОГИИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СУЩНОСТИ И ЗАДАЧ НАЛОГОВОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ

Одилов Бобуржон Фуркат угли,
Научный сотрудник Ташкентского
финансового института,

Шаякубов Даврон Равшанович,
Исследователь Ташкентского финансового института.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы методологии определения сущности и задач налогового бюджетирования, в соответствии с чем выявлены направления, по которым государство может активно влиять на процесс поддержки здоровой конкуренции в экономике. Значительное внимание в статье уделяется вопросам формирования современной и эффективной системы налогового бюджета организации.

Ключевые слова: налоги, налоговое бюджетирование, налоговый бюджет, стратегические и тактические цели процесса управления налоговым бюджетом организации.

Необходимость управления налоговыми издержками хозяйствующего субъекта, вызванная особенностями развития процесса налогообложения в стране, обусловила появление самостоятельной отрасли финансового менеджмента - налогового менеджмента в организации (корпоративного налогового менеджмента). Налоговый менеджмент является частью финансового менеджмента, поскольку его цель - гармонизация построения финансовых отношений между государством и хозяйствующим субъектом и оптимизация управления финансовыми ресурсами на микроуровне.

В науке финансового менеджмента традиционно сложилась ситуация, при которой недостаточно уделяется внимания как западными, так и отечественными учеными-экономистами вопросам корпоративного налогового менеджмента. Отсутствует глубокая теоретическая проработка концептуальных вопросов налогового менеджмента, его периодизации, он не рассматривается как составная специфическая часть управления финансами организаций. Однако налоговый менеджмент оказывает непосредственное влияние на формирование финансовых ресурсов, стоимость организаций, поэтому требуется обобщение накопленных фрагментарных теоретических знаний и практического опыта по вопросам налогового менеджмента на уровне организаций.

Практика последних лет выявила объективную потребность разработки новых процессных подходов к налоговому менеджменту, в том числе налоговому оптимизацию в рамках управления финансовыми ресурсами и денежными потоками хозяйствующих субъектов. Как было подробно и своевременно отмечено в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5468 от 29 июня 2018 года «О концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан»: «Последовательное снижение налогового бремени, упрощение системы налогообложения и совершенствование налогового администрирования являются важнейшими условиями ускоренного развития экономики и улучшения инвестиционной привлекательности страны.

Необходимость изучения данной темы подтверждается стратегическим курсом осуществляемых экономических реформ, нацеленных на динамическое развитие всех форм предпринимательства и устойчивый экономический рост, а также проводимой в настоящее время в Республике Узбекистан налоговой реформой, которая в перспективе предусматривает существенное снижение налогового бремени.

Можно сделать вывод о необходимости рациональной и эффективной организации учета и планирования налоговых издержек организаций. Речь в данном случае идет о научно обоснованной и практически целесообразной системе налогового менеджмента (в частности, основной его составляющей – налоговом планировании), способной в той или иной мере сгладить риски, возникающие в связи с налогообложением хозяйственной деятельности организаций. Эффективная система налогового менеджмента в организациях способна выступить связующим звеном между различными стадиями и комплексами общеэкономического менеджмента организаций как тактического, так и стратегического.



Налоговый менеджмент оказывает глубокое воздействие на инвестиционную политику на макро- и микроэкономическом уровнях. Для стимулирования инвестиционной деятельности организаций, помимо изменения инвестиционного климата на макро уровне, необходима кардинальная перестройка системы управления национальными организациями, в том числе и в области налогового менеджмента.

В оптимизации налоговых отношений и корпоративном налоговом менеджменте особое значение имеет бюджетирование, в ходе которого прогнозируются суммы налоговых платежей в планируемом периоде. Без налогового бюджетирования сложно добиться реальности и эффективности общего бюджетирования предприятия.

Налоговое бюджетирование представляет собой результирующую часть корпоративного налогового планирования, регулирования и контроля, а также комбинированный способ оптимизации налоговых потоков хозяйствующим субъектом. Налоговое бюджетирование основано на выборе оптимальных решений в области налоговых доходов и расходов с целью получения максимума налоговой прибыли с последующим принятием решений по её эффективному вложению (использованию). Конечной целью налогового бюджетирования является обеспечение долгосрочной финансовой стабильности организации. Результаты корпоративного налогового бюджетирования должны отражаться в разрабатываемом организацией налоговым бюджетом.

В налоговом бюджете организации фиксируются результаты налоговой оптимизации. Модель такого налогового бюджета, его структура и варианты возможных управленческих решений представлены на рисунке 1.

В налоговом бюджете отражаются все возможные налоговые доходы и расходы организации, определяется общий налоговый результат управления налоговыми потоками и намечаются адекватные решения о продолжении мер налоговой оптимизации или о рассмотрении иных ее вариантов. Налоговый бюджет необходим организации для оптимизации налогов и формирования платежного налогового календаря, дальнейшей оптимизации финансовых параметров (потоков) компании и эффективного управления ими. Аналитический налоговый бюджет не менее важен, чем плановый (оптимизированный) бюджет. Он необходим для анализа и контроля соблюдения запланированных параметров планового налогового бюджета, выявления ошибок, просчетов, узких мест и их устранения.

Способы оптимизации налогов с использованием методов налогового учета в налоговой политике организации. Налоговая политика организации формируется руководителем предприятия на основе положений ведения налогового учета. Налоговая политика организации — это выбранная совокупность способов ведения налогового учета путем первичного наблюдения, стоимостного измерения, текущей группировки и итогового обобщения фактов хозяйственно-финансовой деятельности на основе применения принципов налогового учета.

К способам ведения налогового учета относятся методы группировки и оценки фактов хозяйственно-финансовой жизни, списания стоимости активов, определения налогового учета реализации продукции, доходов и расходов, приемы организации документооборота, инвентаризации, системы учетных регистров, обработки информации и иные соответствующие способы, методы и приемы.

При формировании налоговой политики организации по конкретному вопросу ведения налогового учета осуществляется выбор одного из нескольких вариантов, допускаемых законодательными и нормативными актами, входящими в систему нормативного регулирования налогообложения в Республике Узбекистан. Многовариантность учета показателей деятельности хозяйствующего субъекта как раз и позволяет использовать налоговую политику в целях налоговой оптимизации. С точки зрения налоговой оптимизации важно обращать внимание на следующее: установление границ между основными и оборотными средствами, принятыми к учету; выбор метода оценки запасов товарно-материальных ценностей и расчета фактической себестоимости материальных ресурсов, списываемых в производство; способ начисления амортизации по основным средствам; способ группировки затрат и их включения в себестоимость реализованной продукции, работ, услуг; метод определения выручки от реализации продукции (товаров, работ, услуг).

Налоговая политика организации, являясь основным регулятором процесса организации налогового менеджмента, содержит названные выше способы оптимизации налогового



портфеля предприятия посредством закрепления различных вариантов отражения в налоговом учете хозяйственных операций в краткосрочной перспективе.

1. Налоговое бюджетирование — это разновидность финансового планирования на предприятии, в основу которого положены принципы и методы составления, исполнения, контроля и оценки налоговых бюджетов. Это процесс планирования налоговых показателей предприятия, результаты которого оформляются системой налоговых бюджетов.

2. Налоговые бюджеты – это система расчетов экономических показателей, представляющие собой таблицы с экономическими показателями по каждому налогу, а затем объединённые в сводный налоговый бюджет. Процесс разработки частных и сводного налоговых бюджетов — это есть налоговое бюджетирование. Состав и формы налоговых бюджетов устанавливаются предприятием. Информационной базой налогового бюджетирования является бухгалтерский и налоговый учет предприятия.

3. Цели налогового бюджетирования: принятие управленческих решений относительно налогообложения предприятия; оценка налоговой платежеспособности отдельных подразделений и предприятия в целом; укрепление налоговой дисциплины; выявление источников финансирования налоговых платежей; оптимизация налогообложения; координация деятельности подразделений предприятия.

4. Налоговый бюджет представляет собой экономические показатели по расчётам: использования собственных и заёмных финансовых ресурсов для финансирования налоговых выплат; определения величины доходов, расходов, стоимости основных средств, нематериальных активов и для расчёта налоговой базы; движения денежных средств; величины налоговых платежей; прочие показатели.

Список литературы

1. Брейли Р. Принципы корпоративных финансов: пер. с англ. / Р. Брейли, С. Майерс – М.: Олимп-Бизнес, 2014. – 1120 с.

2. Бритхем, Ю. Ф. Энциклопедия финансового менеджмента: сокр. пер. с англ. / Ю. Ф. Бритхем. – М.: Экономика, 2013. – 823 с.

3. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: пер. с англ. / Дж. К. Ван Хорн. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 800 с.

4. Росс С. Основы корпоративных финансов: пер. с англ. / С. Росс. – М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2018. – 720 с.

Кадыров А., Базаров Ф., Ахмедиева А., & Маъмуров Б. (2021). Особенности развития цифровой экономики в Республике Узбекистан. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/335>

Базаров Ф.О. Определение сущности и задач корпоративного налогового менеджмента. Веснік сувязі №3(161) 2020 58-64с. http://vsbel.by/Portico/2020/3/140_%D0%91%D0%B0%D0%B7%D0%B0%D1%80%D0%BE%D0%B2.pdf.

Djamalov Kh.N. Role and functions of the estimation of the business in the system of financial management// Public finance// Paris, 2010 year may, 22-28 p.

Джамалов Х.Н. К вопросу создания эффективной системы управления налоговыми рисками предприятия// Научный журнал “ИНТЕРНАУКА” № 20(149) Май 2020 г. Часть 2, с.26-29

Мельник Д.Ю. Налоговый менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2017. – С. 11.

Гончаренко Л.И. Методология налогообложения и налогового администрирования коммерческих банков: Монография. 2-е изд. – М.: Финансовый университет, 2012. – С. 185.

Гончаренко Л.И. К вопросу о понятийном аппарате налогового администрирования // Налоги и налогообложение. – 2016. - № 2. - С. 17-24.

Табаков А.Н. Налоговый менеджмент на предприятии (организации): Учеб. пособие. 5-е изд.- Волгоград: ФГОУ ВПО АГС, 2018. – С. 8.

5. Табаков А.Н. Налоговый менеджмент на предприятии (организации): Учеб. пособие. – 4-изд. Волгоград: ФГОУ ВПО АГС, 2018. – С. 9.

6. Панченко А.В., Черепкова Т.Н. Прогнозирование и планирование в налогообложении: Учеб. пособие: в 2 ч. - Новосибирск: СибАГС, 2009. - Ч. 1. – С. 13



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кенжаев Бобур Рўзибой ўғли
“NURLI DIYOR AGRO” МЧЖда

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳўжалик фаолиятини
таҳлил қилиш бўйича иқтисодчи

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақлада ташаббусли бюджетни илғор хорижий тажрибалар ва миллий ўзига ҳосликлар асосида институционал ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар баёни келтирилган. Унда дунёнинг иқтисоди ривожланган мамлакатлари ташаббусли бюджет амалиётида фойдаланилаётган институционал моделлар молиявий назорат турлари, шакллари ва усуллари, давлат молиявий назорати сифатига таъсир этувчи омиллар, шу билан бирга ташаббусли бюджет институционал ривожлантиришга йўналтирилган илмий ва амалий хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ташаббусли бюджет, давлат молиявий назорати, давлат бюджети, бюджет ташкилоти, ялпи ички маҳсулот, давлат бюджети харажатлари, ташаббусли бюджетнинг институционал тузилмалари, ташқи аудит, ички аудит, молиявий аудит, якуний назорат, масофавий назорат, молиявий хато ва камчиликлар.

ABSTRACT: This article describes the research conducted on the institutional development of the initiative budget based on advanced foreign experiences and national characteristics. In it, the institutional models used in the initiative budget practice of economically developed countries of the world, types, forms and methods of financial control, factors affecting the quality of state financial control, at the same time scientific and practical conclusions and suggestions are given for the institutional development of the initiative budget.

Keywords: initiative budget, state financial control, state budget, budget organization, gross domestic product, state budget expenditures, institutional structures of initiative budget, external audit, internal audit, financial audit, final control, remote control, financial errors and shortcomings.

КИРИШ

Мамлакатимиз молия соҳасида охириги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар замирида давлат ташаббусли бюджетни ривожлантириш ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан бюджет жараёнидаги ўзгаришлар, ўрта муддатли бюджетлаштириш тизимига ўтилаётганлиги, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этишнинг бошланганлиги, бюджет ҳисоби тизимига давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IPSAS)нинг жорий этилиётганлиги уларга ҳамоҳанг равишда давлат молиявий назорати тизимини ҳам ислох этишни талаб қилмоқда.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155 “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқулланган ҳамда ташаббусли бюджет тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш топшириғи берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги ВМҚ-506 “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида Молия вазирлиги таркибий тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва макрофискал таҳлил функцияларини мустаҳкамлаш доирасида Давлат молиявий назорат департаментининг фаолияти таҳлилий ўрганиб, бошқаришнинг марказлашган тизимини жорий этиш масалалари кўриб чиқилиши келтирилган. Шунингдек ушбу қарорда молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш мақсадида



халқаро стандартларга мос ички назорат ва аудит хизматини, шунингдек, лозим даражадаги молиявий назоратни амалиётга жорий этиш зарурлиги ҳам келтирилган.

Асосий қисим

Ташаббусли бюджет тизими ҳар бир давлатнинг молиявий сиёсатида катта ўрин тутди. Сабаби давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат фаолияти давлат молиясининг амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ сарф этилишини таъминлаш орқали ушбу норматив ҳужжатлар асосида шакллантирилган сиёсатни тўғри ва ўз вақтида юритилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам барча категориялар каби давлат молиявий назоратини туб моҳияти ва мазмунини ўрганиш уни тўғри ташкил этишнинг асосини яратади.

Шу маънода давлат ташаббусли бюджетнинг назарий асосларини ҳамда хориж тажрибаларини ўрганиш асосида уни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун аввало умумийликдан хусусийликка бориш усулидан фойдаланган ҳолда ташаббусли бюджетнинг назарий асосларини ўрганиш талаб этилади.

Бугунги кунда ташаббусли бюджетга берилган таърифларнинг ҳар бири молиянинг ўзига хос характеридан ва таҳлил қилинган давлатларнинг иқтисодий-молиявий ривожланганлиги, уларда амал қиладиган назорат инфраструктурасидан келиб чиқиб турлича шаклланган ҳамда турлича талқин қилинади.

Шунинг учун ҳам ташаббусли бюджет тушунчаси бўйича тугал фикрга келишдан олдин берилган таърифларни ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

ташаббусли бюджетга берилган таърифлар бўйича адабиётлар шарҳини ўзбек олимларидан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек олимлари А.В.Вахобов ва Т.С.Маликов ўзларининг “Молия” номли китобларида молиявий назоратга “иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир¹” деб таъриф беришган. Ушбу таъриф нисбатан умумий таъриф бўлиб бу кўпроқ ҳолларда молиянинг вазифаларига боғлиқ бўлиб қолади.

Кейинги таъриф эса В.Ш.Нуритдинова ва М.А.Шарапова томонидан берилган бўлиб², уларнинг фикрича “ташаббусли бюджет ташкил этиш бу молиявий ресурсларни бошқаришнинг мажбурий элементи ҳисобланиб, бундай бошқарув жамият олдидаги жавобгарликни акс эттиради”. Бу таърифни давлат молиявий назоратига ижтимоий-сиёсий ёндошув дейиш мумкин.

Бошқа бир адабиётда В.Ш.Нуритдинова “Молиявий назорат – бу молиявий текшириш ва у билан боғлиқ бўлган масалалар ҳаракати мажмуи бўлиб, хўжалик субъектлари фаолиятини бошқаришни ўзига хос усуллар ва шакллар ёрдамида ташкил этишдир” деб таъриф берган.³ Бу таърифда муаллифлар молиявий назоратни бошқарувнинг ажралмас қисми сифатида кўришган ва бу таъриф кўпроқ хўжалик субъектлари фаолиятига тўғри келади назаримизда. Чунки бюджет ташкилотларида бошқарув хўжалик субъектлари каби молиявий маблағларга боғланиши кучли эмас.

Л.А.Дробозина, Л.П.Окунева ва Л.Д.Андросоваларнинг молиявий назорат бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра⁴, “ташаббусли бюджет –қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг барча даражаларида ва махсус муассасалар томонидан алоҳида усуллардан фойдаланган ҳолда барча турдаги (давлат, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар) иқтисодиёт субъектлари молиявий фаолияти устидан назорат қилинишидир. У пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида молиявий оқимларнинг иқтисодий самарадорлиги ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашни ҳамда молиявий-хўжалик қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилишни, ўз ичига олади”. Ушбу таърифнинг ўзига хослиги шундаки у жуда кенг қамровли ҳамда унинг асосий йўналишларида нафақат мавжуд қонунчиликка риоя қилиш балки фаолиятнинг самарадорлиги ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш назарда тутилган.

1 Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия Т: “Ношир” 2011 йил 119-бет.

2 Нуритдинова В.Ш., Шарапова М.А Молиявий назорат. Ўқув қўлланма. Тошкент 2014 й. 15-бет.

3 Нуритдинова В.Ш “Молиявий назорат” маърузалар матни. Тошкент 2012 й. 9-бет.

4 Дробозина Л.А., Окунева Л.П., Андросова Л.Д. Финансы. Денежное обращение. Кредит. -М.:ЮНИТИ,2000. -С. 479



Юқоридаги таърифлардан ташаббусли бюджет бўйича фикрлар хилма-хил эканлиги кўринди ва бунга асосий сабаб сифатида молиявий назоратнинг барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига боғлаб таҳлил қилинганлигидир. Шу ўринда таърифлар бўйича умумийликдан хусусийликка борган ҳолда ташаббусли бюджет бўйича олимлар томонидан берилган таърифларни ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади назаримизда. Чунки давлатнинг ташаббусли бюджет умумий молиявий назоратдан маблағлар ҳажми ва ташкилотлар қамрови бўйича кичикроқ бўлиши мумкин.

А.Л.Звездин, М.В.Мелник, А.С.Пантелеев биргаликда олиб борган тадқиқотлари натижасидан келиб чиқиб давлат молиявий назоратига “давлат органлари томонидан давлат номидан давлатнинг ягона молиявий сиёсати ва давлат ҳамда фуқароларининг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириладиган назорат” деб таъриф беришган¹.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда давлат молиявий назоратини институционал ривожлантириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

1. ташаббусли бюджетни тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Ушбу қонун лойиҳасида давлат молиявий назоратининг барча институционал тузилмалари вазифалари, ваколатлари ва мажбуриятларини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш бўйича тегишли нормалар киритиш;

2. Халқаро илғор тажрибалар ва миллий ўзига ҳосликларни инобатга олиб давлат ташаббусли бюджетни институционал бирликлари фаолиятини самарадорлиги ва натижадорлигин ошириш учун хорижий экспертларини жалб этиш;

3. Молиявий хато ва камчиликларни олдини олиш ҳамда унга шарт-шароит яратувчи сабабларни бартараф этишга ихтисослашган ички аудит тузилмалари фаолиятини услубий ва ҳуқуқий таъминотини яратиш;

4. ташаббусли бюджетни ташкилий тузилмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда фаолияти натижалари статистикасини яхшилаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар турлари таснифини ишлаб чиқиш;

5. ташаббусли бюджетни ташкилий тузилмалари учун ходимлар захирасини тайёрлаш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вахобов А.В., Маликов Т.С. (2011) Молия дарслик Т: “Ношир” 712 бет.

2. ВМҚ-506 (2020) “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 24 август.

3. ВМҚ-870 (2017) “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2017 йил 24 октябр.

4. ВМҚ-53 (2007) “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2007 йил 20 март.

5. Дробозина Л.А., Окунева Л.П., Андросова Л.Д. (2000) Финансы. Денежное обращение. Кредит. -М.:ЮНИТИ, -С. 479.

6. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. (2010) Бюджет назорати ва аудити Ўқув қўлланма. Т.: Infocom.uz 192 бет.

7. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Ҳ. (2009) Молия:умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т. “Иқтисод-молия” 556 бет.

8. Мирзиёев Ш.М. (2017) “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз” Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017 йил. 592 бет.

9. Мельник М. В., Пантелеев А. С., Звездин А. Л.(2007) Ревизия и контроль : учеб. пособие / М.

10. Нуритдинова В.Ш., Шарапова М.А (2014) Молиявий назорат. Ўқув қўлланма. Т.: 386 бет.

11. Нуритдинова В.Ш (2012) “Молиявий назорат” маърузалар матни. Т.: 162 бет.

1 Мельник М. В., Пантелеев А. С., Звездин А. Л. Ревизия и контроль : учеб. пособие / М., 2007.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Кенжаев Бобур Рўзибой ўғли
“NURLI DIYOR AGRO” МЧЖда

Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятини
таҳлил қилиш бўйича иқтисодчи

Аннотация: Мазкур тадқиқотда республика давлат бюджети даромадларини шакиллантиришда солиқ органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали солиқ назоратини такомиллаштириш йўллари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва айрим ҳуқуқий жиҳатлари баён этилган. Давлат бюджети даромадларини шакиллантирилиши уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда дастурий маҳсулотларни такомиллаштириш орқали олдини олиш имкониятлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хулосалар шакллантирилиб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Бюджет даромадлари, солиққа назорати, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, маҳаллий бюджет, солиқ тўловчилар, республика бюджети

Annotation: In this study, ways to improve tax control by further automating the activities of tax authorities in the formation of state budget revenues of the republic have been studied. Also, a literature review on the topic and some legal aspects are described. The factors affecting the formation of state budget revenues and the possibilities of prevention by improving software products are highlighted. As a result of the conducted research, conclusions were formed, appropriate scientific proposals and practical recommendations were developed.

Keywords: Budget revenues, tax control, information and communication technologies, database, integration, local budget, taxpayers, republican budget

КИРИШ

Давлат бюджети – мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи асосий воситадир. Унинг ёрдамида давлат миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириши, хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигига таъсир этиши, ижтимоий ислохотларни амалга ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда давлат бюджети – давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий воситасидир.

Давлат ўз функциясини бажариши чоғида кўплаб ҳаражатлар қилинади (сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларда қилинган ҳаражат гуруҳларига ажратиш мумкин). Ушбу ҳаражатларни қоплаш учун давлат бюджети даромад (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар, мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредитлар маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар, қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар) манбаларига эга бўлиб, уларнинг орасида солиқдан келадиган даромад манбалари салмоқли ўрин эгаллайди.

Асосий қисим:

Республикада иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишига, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда солиқлар асосий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, амалга оширилаётган ишларда энг аввало самарали солиқ тизимини, тадбиркорларга солиқ юқининг тенг тақсимланишини ҳамда солиқ тўловчилар сонининг оширилишини ва солиқларни яширувчи тадбиркорларни ўз вақтида аниқлаб, уларга



солиқларни ҳисоблашини таъминлаш лозим.¹

Мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрни ва аҳамияти ошириш учун аввало давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг назарий асослари, уларнинг турлари ва таркиби бўйича адабиётлар шарҳини амалга ошириш лозим бўлади.

4-жадвал

Сурхондарё вилояти бўйича ВМнинг 445-сонли қарори ижросининг 2022 йил 1 январь ҳолатига мониторинг маълумоти²

МИНГ.СЎМ

Солиқ тури	Аниқланган қўшимча манбалар			Ундирилган қўшимча манбалар		
	Мулк қиймати/ майдони	солиқ тўловчилар	солиқ суммаси	Мулк қиймати/ майдони	солиқ тўловчилар	солиқ суммаси
Мол-мулк солиғи	584 959 185	4 515	1 198 122	423 344 891	3 855	899 417
Ер солиғи	6 228 396	3 782	783 034	4 906 708	3 782	783 034
Якка тартибдаги тадбиркорлар	-	4 938	9 664 632	-	4 078	7 020 822
Умумовқатланиш корхоналари	-	137	1 200 038	-	90	769 425
Бозор ва савдо комплексларидан қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси	-	116	155 450	-	17	38 469
Бошқа фаолиятлар бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси	-	310	327 895	-	103	110 106
Жами	591 187 581	13 798	13 329 171	428 251 599	11 925	9 621 273

Сурхондарё вилояти молия бошқармасининг ҳисоботи бўйича қўшимча солиқ базасини аниқлашда 2022 йил 1 январь ҳолатига 13 798 та солиқ тўловчилар аниқланган бўлиб умумий солиқ базаси 591 187 581 минг.сўмни ҳамда солиқ суммаси 13 329 171 минг.сўмни ташкил этиб ундирилган сумма 11 925 та солиқ тўловчидан 9 621 273 минг сўм давлат бюджетига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори³нинг ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат ва маҳаллий бюджет даромадларини диверсификациялашда бир қатор ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг базавий йилда аниқланган қўшимча даромад манбаларидан қатъий назар, ўрта муддатли бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ажратмалар нормаларини бириктириш, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйиш ва лотереяларни ташкил этиш ҳуқуқини бериш қўшимча даромад манбаларини шакллантириш имкониятларини беради. Наतिжаси сифатида бюджет даромадлари таркиби диверсификацияланади.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон

2 Муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 июльдаги 445-сонли қарори.



ХУЛОСАЛАР

-Давлат бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда албатта белгилаб олинадиган вазифалардан асосийси давлатнинг ҳақиқий солиқ потенциални аниқлаштириб олишдир. Ҳозирги кунда давлатнинг ЯИМга нисбатан яширин иқтисодиёт улуши 40-50 фоизни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда солиқ базасини яна 40-50 фоизга қадар ошириш имкониятларига эга эканлигимизни таъкидлаш мумкин. Бунда, ушбу яширин иқтисодиётни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни жадаллаштириш давлат бюджети даромадларини ошириш имкониятларини яратади. ВМнинг 445-сонли қарори ижросини таъминлашда тегишли ваколатли органлар фаолиятини кучайтириш, иш самарадорлигини оширишда рағбатлантирувчи инструментлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аниқланган қўшимча солиқ базаси ва ундирилган солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда ходимларни рағбатлантириш жамғармаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

-Маҳаллий даромадлар базасини кенгайтиришда даромадларни диверсификациялаш амалиётини кенг жорий қилиш, бунда фақатгина солиқ базасини кенгайтириш билан чекланмасдан, қўшимча даромад олиш бўйича фаолият турларини аниқлаштириш, ҳудудий маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб қувватлаш ҳамда бу фаолиятларни рағбатлантиришда тегишли бошқарув органларига мустақилликни бериш мақсадга мувофиқдир.

-Бундан ташқари, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйиш ҳуқуқларини бериш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2019.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2020.
4. Азимов С.С. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси. Молия ва банк иши электрон илмий журнали.v-сон. Сентябрь-октябрь, 2019 йил
5. А.Усанов, Р.Джалилов “ Солиқ сиёсати” журнали, “Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида Камерал назоратнинг тутган ўрни” УДК 336.225, 2019 йил.
6. Перм Давлат унверситети профессори Шешукова Т.Г.нинг «Экономика и бизнес» журнаliga берган “об использовании информации из внутренних и внешних источников при проведении налоговых проверок” номли мақоласи, 2016 й. 4 бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000